O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
290901

**Da'vat**

*Ҳаётдаги энг фойдали нарса ўз тажрибангдир.*

**В. СКОТТ**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 12 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 72 (7371)

**Ibrat**

***"Андижон ёғ-мой" хиссадорлик жамияти мана 20 йилдирки, шаҳардаги 10-ўрта мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади. Жорий йилда ушбу ташкилот мазкур мактаб ўқувчиларининг янги, 2001-2002 ўқув йилини муносиб қарши олишлари учун 374 минг сўм маблағ ўтказди.***

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**11 сентябр куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Самарқанд вилоятидан Олий Мажлисга сайланган депутатлар иштирок этди.**

**Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

**Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Самарқанд вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва салоҳиятига юксак баҳо берди. Ўтган ўн йил мобайнида бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида талай ишлар қилинди.**

**Лекин сўнгги пайтларда вилоятда мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, кенг омма, шаҳар ва туманлар фаолларининг бошини қовуштириб, барчани умумий мақсад сари сафарбар этиш борасида талай камчиликлар борлиги яққол кўзга ташлана бошлади. Хусусан, халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган саноатни ривожлантириш борасидаги ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Буни шу йилнинг ўзида мавжуд 112 та саноат корхонасидан 28 тасида ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетганида ҳам кўриш мумкин.**

**Вилоятда пахта топшириш бўйича давлат буюртмаси уч йилдан, ғаллачилик соҳасида эса икки йилдан буён бажарилмаяпти. Кичик ва ўрта бизнесга эътибор замон талаблари даражасида эмас.**

**Сессияда ташкилий масала кўрилди. Э.Рўзиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.**

**Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар Жиззах вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Ш.Мирзиёевни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.**

**Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Д.Абдуллаев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раҳбари Б.Шаропов, Нарпай ва Каттақўрғон туманлари ҳокимлари А.Жамилов ва М.Худоёров, Самарқанд шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Шокирова ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг нутқида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидлади.**

**Анвар БОБОЕВ,
Уйғун РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбирлари**

## ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ — ОЛИЙ БУРЧ

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар!**

**Ҳурматли депутатлар!**

Самарқанд — ўзининг бой тарихи, буюк маданияти, муқаддас обида ва кошоналари билан шуҳрат қозонган дунё тараққиётининг бешикларидан бири бўлиб, бугун ҳам ўз салоҳияти ва бетакрор қиёфаси билан жаҳон миқёсида мингминглаб мухлисларни ўзига мафтун этиб келаётгани, халқимизнинг ғурур ва ифтихорига айлангани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бунинг тасдиғини куни кеча мана шу гўзал шаҳарда бўлиб ўтган, Шарқу Ғарбнинг машҳур санъат намояндалари эътиборини ўзига тортган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали мисолида яна бир бор кўрдик.

Сўнгги ўн йил мобайнида, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинди.

Янги-янги корхоналар, турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар барпо этилгани вилоятнинг салоҳияти ортиб бораётганидан, ислоҳотларни жорий қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Жорий йилда вилоятда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланаётгани, 2001 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,7 фоизга ўсганини ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, бугун Самарқанд вилоятининг қиёфаси ўзгариб бораётганига, ҳаётнинг барча соҳаларида замон талаб этаётган янгиланишларга юз тутаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ютуқлар, аввало, шу заминда яшаётган одамларнинг меҳнати, изланиши, фидокорлиги натижасида қўлга киритилаётганини, албатта, эътироф этамиз.

Лекин, бевосита бугунги сессия кун тартибига қўйилган масалага ўтар эканмиз, биз эришган ютуқлар ҳақида эмас, балки кўпроқ афсус ва таажжуб уйғотаётган камчилик ва муаммолар ҳақида гапиришимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

**Азиз дўстлар!**

Мана шу минбардан туриб, сизлар билан илгари ҳам Самарқанд вилоятини ривожлантириш ҳақида, умуман, юртимизда бўлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ўзгаришлар тўғрисида, олдимизда турган турли муаммолар ҳақида кўп гаплашганмиз. Мана шу залда Самарқанднинг обрўсига обрў қўшиш, унинг салоҳиятини юксалтириш, вилоят аҳолисининг оғирини енгил қилиш бўйича фикр алмашганмиз, режалар тузиб, орзу-умидларимиз билан ўртоқлашганмиз.

Бундай мулоқотларнинг менга мамнуният бағишлайдиган жиҳати шундаки, вилоятдаги аҳвол, мавжуд нуқсон ва камчиликлар ҳақида гапирганда, ҳар доим Самарқанд вилояти жамоатчилиги, халқ ноиблари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар нақадар ўринли бўлганига, улар мана шу тупроқда яшаётган одамларнинг, халқнинг қарашлари ва хулосаларига ҳамоҳанг эканига гувоҳ бўламан.

Шу маънода, сизлар Самарқанд вилояти аҳлининг дарду ташвишларини, кайфиятини яқиндан билган одамлар сифатида бугунги вазиятга холисона ва тўғри баҳо берасизлар, вужудга келган аҳволни тузатишда бир ёқадан бош чиқариб, вилоят олдида турган барча муаммоларни ечишда баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қиламиз, деб ишонаман.

Самарқанд вилоятидаги ишларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, бу ердаги ислоҳотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари, одамларнинг оғирини енгил қилиш, энг муҳими, мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, масалани ҳал қилувчи кенг омма, шаҳар ва туманлар фаоллари, фидойилари

(Давоми 2-бетда)

## ТОШКЕНТДА ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ



***Ватанимиз истиқлолининг ўн йиллик тантаналари давом этаётган шу кунларда мамлакатимизда яна бир улкан байрам — теннис бўйича "Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги" халқаро турнири бошланди.***

Мана, бир неча йилдирки, "Президент кубоги" турнири катта муваффақият билан ўтказиб келинмоқда. "АТП-Тур" турнирлари рейтингида мазкур мусобақанинг тобора юқори ўринларга кўтарилиб, нуфузи ортиб бораётгани унга бўлган қизиқишнинг кучайишига олиб келяпти. Бу йил ҳам мусобақани ёритиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан кўплаб журналистлар иштирок этаётгани фикримизнинг далилидир.

10 сентябрь куни Тошкентдаги "Юнусобод" теннис кортида "Президент кубоги" халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

— Ушбу ажойиб спорт саройида теннис бўйича саккизинчи бор ўтказилаётган "Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги" халқаро турнирининг барча иштирокчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қутлаш менга мамнуният бахш этади, — деди давлатимиз раҳбари. — Мазкур турнир мамлакатимиз, халқимиз ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаётган ушбу кунларда ўтказилаётгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз ушбу мусобақа, энг аввало, дунё теннисининг тан олинган усталари иштирок этаётгани билан ҳам катта нуфузга эга эканлигини таъкидлади. Мазкур теннис усталари ҳақли равишда чиройли, оммавий ва жозибадор ўйинлари билан мухлислари, айниқса, ёшларимиз ибрат олса арзийдиган кишиларга айланди.

Президентимиз, бу турнирда кўп йиллардан буён мунтазам қатнашиб келаётган атоқли спортчиларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Улар — Евгений Кафельников ва Марат Сафин, Доминик Хрбати. Николас Кифер, Марк Россе ва бошқа кўплаб ракетка усталаридир. Ушбу теннисчилар спортнинг мана шу гўзал, жозибадор ва оммабоп тури мухлисларининг муҳаббати ва ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганлар.

(Давоми 4-бетда)

***Ўзбек халқи XXI аср остонасида ҳар қандай халқ, миллат, инсон орзу қилиши табиий бўлган энг улуғ, энг азиз неъмат — Мустақилликни қўлга киритди. Ўтган 10 йиллик тарихан қисқагина муддат истиқлолнинг мазмун-моҳиятини, унинг беқиёс аҳамиятини англаш даври бўлди, дейиш мумкин. Бугун ўзбек халқи танлаган тараққиёт йўли эса аждодлардан мерос қолган яратувчанлик кайфиятини тўла намоён этмоқда. Жамият ижтимоий ҳаётида мана шундай руҳни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун келажак авлодни Ватанга муҳаббат, унинг имкониятларидан фахр-ифтихор, муаммоларига ечим излашга бурчлилик ҳиссида тарбиялаш ва таълим бериш тақозо этилади. Бундай эзгу ишлар асосан, ўқув муассасаларида амалга оширилишини назарда тутсак, ёшларни, ўқувчи ва талабаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш узлуксиз таълим тизими олдидаги бош вазифалардан бири эканлигини англашнинг аҳамияти нақадар юксак эканлигига амин бўламиз. Педагогларимиз бундай масъулиятли вазифани муваффақиятли адо этиб боришлари учун илмий-услубий жиҳатдан етарлича малакага эга бўлишлари, амалий тажрибаларини мунтазам бойитиб боришлари зарур.***

**Milliy istiqlol g'oyasi**

## МАЛАКА—БИРЛАМЧИ ОМИЛ




**ҒОЯВИЙ БИРЛАШИШ — ЗАРУРАТ**

«Миллий истиқлол ғояси» рукни остида берилаётган бугунги мақолада айнан шу, яъни белгиловчи омил — Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хусусида гап боради.

Маълумки, шу йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанини республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинди. Ушбу фармойишда "Миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало, ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида дарсларнинг ноанъанавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни экспериментал майдончаларда синовдан ўтказиш, ижобий натижаларни янги ўқув йилидан таълим жараёнига кенг жорий қилиш" таъкидланганди. Хўш, ҳозир янги ўқув йили бошланди ва бу борада нима ишлар қилинди? Ушбу соҳадаги амалга оширилган ишлар тўғрисида газетамизнинг аввалги сонларида муайян даражада маълумотлар берилган эди.

Бугун эса таълим турларида жорий этилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича дарс берувчи ўқитувчилар, маърузачилар таркибини шакллантириш, уларнинг малакасини ошириш ҳақида сўз юритамиз.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА**

Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган жадвал асосида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи бўйича 2001 йил апрель-июнь ойларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ва мактабгача таълим ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилди.

Вилоятларда мазкур курсларни юқори савияда ўтказиш мақсадида 7-12 май кунлари А.Авлоний номли Марказий малака ошириш институтида мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари учун маърузачилар тайёрлаш махсус ўқуви ўтказилди ва 24 нафар тингловчига сертификат топширилди. 14-19 май кунлари мазкур институтда юқори синф ўқитувчилари учун 30 нафар маърузачи қайта тайёрланди. Машғулотларни ўтишда Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти олим ва мутахассислари жалб этилди.

Ўтган ўқув йили якунида Мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича Республика курсида мактабгача таълим ходимлари учун маърузачилар курси ташкил этилди ва 32 нафар маърузачига сертификат берилди.

(Давоми 3-бетда)

## БИРИНЧИ ЎРИНГА 200000 СЎМЛИК ЖИҲОЗЛАР

Андижон вилоятида мустақиллигимизнинг шукуҳли 10 йиллиги тантаналарига ҳамоҳанг тарзда "Йил мактаби-2001" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Андижон шаҳридаги вилоят ўқувчи ёшлар саройида ўтказилган танловда туманларда ғолиб деб топилган энг сара мактаб жамоалари ўзаро беллашдилар. Танлов Низомига кўра, ҳакамлар ҳайъати танловда иштирок этувчи барча мактабларни кўздан кечириб улар фаолияти, моддий-техника негизи, ўқувчилар билим даражаси, уларнинг олимпиадаларда ва бошқа фан беллашувларидаги иштирокини баҳолаб келган эдилар.

Танловнинг вилоят босқичида жамоалар томонидан тайёрлаб келинган кўргазмалар ўқувчилар меҳнати билан яратилган буюм ва жиҳозлар, янги дастур, режа ва қўлланмалар намойиш қилинди. Албатта, бугун мактаблар зиммасида катта ва масъулиятли вазифалар бор. Бу шарафли вазифани сабот билан уддалаётган мактаблар, фидойи муаллимлар шаънига таҳсинлар айтсанг оз.

**«Yil maktabi-2001»**

Ниҳоят, барча шартлар якунланиб, умумий натижалар эълон қилинди. Қўрғонтепа туманидаги Ҳафизахон Обидова раҳбарлик қилаётган 27-ўрта мактаб жамоаси энг кўп балл йиғиб 1-ўринни олишга сазовар бўлди. Ғолиб жамоага 200000 сўм миқдоридаги ўқув жиҳозлари бериладиган бўлди. Иккинчи ўринни Шаҳрихон туманидаги 8-ўрта мактаб (директори Камолиддин Ғофуров) ва Хўжаобод туманидаги 1-мактаб (директори Марвархон Худойбердиева) жамоалари эгалладилар. Иккинчи ўрин соҳибларига 100000 сўмлик ўқув жиҳозлари бериладиган бўлди. Учинчи ўринни учта жамоа Избоскан туманидаги 30-мактаб (директори Аҳмаджон Қосимов), Асака шаҳридаги 24-ихтисослаштирилган мактаб интернат (директори Фарҳод Жумабоев), Жалолқудуқ туманидаги 3-мактаб (директори Зуҳра Назаралиева) жамоалари эгалладилар.

Учинчи ўрин эгалари 50000 сўм миқдоридаги ўқув жиҳозлари билан тақдирландилар.

**О.СИДДИҚОВ**

*Президент кубоги анъанавий халқаро турнирининг асосий беллашувларига қуръа ташлангач, тўғриси, кўпчилик хурсанд бўлмаганди. Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Олег Огородов турнирнинг 7-ракеткаси, ўтган йилги мусобақаларнинг финалчиси Давид Сангунеттига қарши майдонга тушишини билгач, "эсиз, биринчи учрашувдаёқ кучли рақибга дуч келиб қолди-я" дея афсуслангандик. Лекин...*

*Кеча кечқурун, яъни газета саҳифаланаётганда*

## "ЮНУСОБОД"ДАН ШУ СОНГА ХАБАР

*ҳамюртимиз Олег Огородов Давид Сангунетти билан «Юнусобод» теннис мажмуининг марказий ўйингоҳида кортга тушди. Табиийки, йиғилган мухлисларнинг аксарияти ҳамюртимизнинг ғалабасига муштоқ эди. Ва улар Олег учун руҳий мадад нақадар зарур эканлигини яхши билишарди. Учрашув икки сетда ҳал бўлди. Давид ўзининг маҳорат бобидаги энг сара усуллари билан ҳаракат қилган биринчи сет Олег Огородовнинг тай-брекдаги устунлиги билан 7/6 ҳисобида вакилимиз фойдасига ҳал бўлди.*

*Иккинчи сетда ҳам айнан шундай натижа қайд этилди. Ушбу натижа Олег Огородовни кейинги босқичга олиб чиқди.*

**Yangi alifboni o'rganamiz**
*3-бет*

**Тажриба алмашиш мақсадида**
*3-бет*

**Жиззах яна спортчиларга мезбон**
*4-бет*

## КЕЛАЖАК БИНОЛАРИ

**Mustaqillik inshootlari**

**Мамлакатимизда янги турдаги таълим муассасалари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг сони яна ҳам ортиб бормоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЎМКҲТ Марказидан олинган маълумотга кўра, шу кунгача Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида саноат, Касби туманида қишлоқ хўжалиги, Қарши шаҳрида қурилиш йўналишларидаги касб-ҳунар коллежлари реконструкция йўли билан, Қарши тумани Қовчин қишлоғида янги қурилаётган 900 ўринли қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биносидаги қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.**

**Истиқлол байрами арафасида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Пайариқ туманларида қишлоқ хўжалиги, Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида 600 ўринли маиший хизмат йўналишларидаги касб-ҳунар коллежлари янгидан барпо этилди. Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида реконструкция йўли билан саноат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи ишга туширилди.**

**Шунингдек, Наманган шаҳрида янгидан қурилаётган 825 ўринли, Зарафшон шаҳрида эса 375 ўринли академик лицейларнинг қурилиши ниҳоясига етказилиб, биринчи ўқувчиларини ўз бағрига олди.**

**Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу барпо этилаётган замонавий бинолар ҳукуматимизнинг ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама илм олишлари учун яратаётган жуда катта имкониятларининг дебочасидир. Бу ерга келтирилаётган янги жиҳозлар, ўқув-кўргазмали қуроллар, замонавий техник воситалар, улар билан ишлашга эса салоҳиятли, билимли педагог кадрларнинг жалб этилиши юрт келажаги, ёшлар равнақи йўлидаги одимлардир. Энг муҳими, ёшларимиз бу имкониятлардан ўз вақтида самарали ва тўғри фойдалана билсалар, бас.**

**Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" мухбири**

## JUMLADA JAHON

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари матбуотда эълон қилинди.**

**● Москва шаҳри мэри Юрий Лужков бошчилигидаги делегациянинг Тошкентга қилган ташрифи ниҳоясига етди ва бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидланганидек, ташриф давомида икки томонлама самарали ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий судида Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис олтинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**● АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Хитойга режалаштираётган ташрифи арафасида Хитой ҳукумати давлат диссидентларидан айримларини озодликка чиқариш ёки муҳожирликка жўнатиш юзасидан чора-тадбирлар белгиламоқда, дея хабар беради Гонгкокдаги "Демократия ва инсон ҳуқуқлари ахборот маркази".**

**● Европа марказий банкининг штаб квартирасида расмий намойиши бўлиб ўтган Евро 2002 йил 1 январдан бошлаб минтақадаги 12 та мамлакатда муомалага киритилиши боис ҳозирда етарлича нақд купюралар тайёрлаш қизғин паллага кирган ва бу пул алмашиниши дунёдаги энг катта миқёсдаги пул алмашиниш жараёни бўлиши мумкин.**

*Нима, Самарқанд вилоятида баъзи мансабдорлар ўзининг шахсий томорқаси билан давлат ерининг фарқини эсидан чиқарганми, бундай бемаза ишлар учун жазо муқаррар эканини унутиб қўйганми?*

*Бу ерда мавжуд мактабларнинг 60 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган, уларнинг 68 фоизида спорт заллари йўқ.*



# ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ – ОЛИЙ БУРЧ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

билан тил топишиб, уларнинг бошини қовуштириб, барчасини умумий мақсад сари сафарбар этиш, бошқариш масалаларида заифлик кўзга ташланаётгани ҳақида катта афсус билан гапиришга тўғри келади.

Халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасини ривожлантириш бўйича вилоятда олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Буни шу йилнинг ўзида мавжуд 112 та саноат корхонасидан 28 тасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига йўл қўйилганида ҳам кўриш мумкин.

Бунинг устига, маҳсулот таннархининг юқорилиги, сифатининг пастлиги, маркетинг ишларидаги камчиликлар сабабли 14 миллиард сўмлик маҳсулот омборларда чанг босиб ётибди. Вилоятда "омбор учун ишлаш"дек яроқсиз иш услубидан ҳали-бери воз кечилмаётганини таъкидлаш зарур.

Ўз вақтида вилоят раҳбарияти, мутасадди ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилмагани туфайли тикувчиликка ихтисослашган "8 март", пойафзал ишлаб чиқарувчи "Маҳси" каби корхоналарнинг қувватлари бекор турибди.

"Алпомиш", "Кинап" ва "Лифтсозлик" сингари йирик саноат корхоналари эса тўла қувват билан ишламаяпти. Энг ачинарлиси шундаки, бу аҳвол ҳеч кимни безовта қилмаяпти.

Акс ҳолда, бу корхоналарнинг аҳволини яхшилаш борасида вилоят раҳбарияти томонидан бирон-бир тадбир ишлаб чиқилган бўлур эди.

Айни пайтда дўконлар эса валюта ҳисобига сотиб олинган чет эл пойафзаллари ва кийим-кечаклар билан тўлдирилмоқда. Бундай лоқайдлик ва бепарволик оддий одамларимиз учун қанчалик қимматга тушаётганини англаб етиш наҳотки шунчалик қийин бўлса?

Ахир, неча марта айтиш мумкин — қачон биз ўзимизнинг ишлаб чиқариш қувватларимиз ва маҳаллий хомашё ҳисобидан, керак бўлса, хорижий сармояларни олиб келиб, улардан тўғри фойдаланиб, қўшма корхоналар ташкил этиб, энг муҳими, мана шу заминда яшаётган одамларни иш билан таъминлаб, зарур маҳсулотлар тайёрлашга ўрганамиз?

Биз одатда Самарқанд вилоятининг экспорт салоҳияти ҳақида гапирганда, "СамКОЧавто", "Самжинтекс" ва "ЎзБАТ" сингари замонавий қўшма корхоналарни тилга оламиз. Лекин, бу корхоналар Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилганини унутмаслик керак.

Бевосита вилоят раҳбарияти томонидан чет эл инвестицияларини жалб этиш, ишлаб турган қўшма корхоналарни ривожлантириш борасида эса, афсуски, аниқ ҳаракатлар сезилмаяпти.

Масалан, жорий йилда режалаштирилган 8 та қўшма корхонадан фақатгина 2 таси ишга туширилган, холос. Мавжуд 5 та қўшма корхона вақтинчалик, 6 та қўшма корхона эса бутунлай ўз фаолиятини тўхтатгани ҳам бу масалага етарли эътибор берилмаётганидан далолатдир.

**Ҳурматли депутатлар!**

Самарқанд вилоятининг мамлакат агросаноат мажмуида муҳим ўрин эгаллашини барчангиз яхши биласиз. Бу ерда пахта, ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Энг муҳими, бошқа вилоятларга қараганда унумдор ерлар кўп, қадимий деҳқончилик анъаналарига эга бўлган Самарқанд меҳнат аҳли ўзининг миришкорлиги билан маълум ва машҳур.

Лекин ана шундай имкониятлар мавжуд бўлишига қарамасдан, қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Вилоятда давлатга пахта сотиш режаси кейинги уч йилдан буён бажарилмасдан келмоқда. Мана шу давр мобайнида давлатга режага нисбатан 100 минг тонна пахта кам етказиб берилди.

Умуман, Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида бугун вужудга келган вазият ҳақида, мавжуд камчилик-нуқсонлар ҳақида гапирганда, аввалambор, уларнинг илдизлари, сабабларини қидириш керак, деб ўйлайман.

Бу ҳолнинг илдиз ва сабаблари эса, биринчи навбатда, ислоҳотларнинг тўғри йўлга қўйилмагани ва ниҳоятда суст бораётгани, деҳқон зотига эътибор кам бўлгани, унда мулкка эгалик туйғусини тарбиялаш ва зарур шароит туғдириб бериш масалаларида йўл қўйилаётган камчиликлар, масъул раҳбарларнинг онгу тафаккури ўзгармаётгани, уларда эскича қараш, эскича фикрлаш ҳамон ҳукмрон бўлиб қолаётганидадир.

2000 йилда вилоятда 90 минг гектар ўрнига 93 минг гектар майдонга пахта экилган бўлса-да, давлатга пахта сотиш режаси атиги 68 фоизга бажарилди, холос.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш режаларининг сурункали бажарилмай келаётганига яна бир сабаб шуки, айрим амалдорлар ерни талон-тарож қилмоқда, ҳатто пахта ва ғалла етиштириш учун ажратилган моддий ресурсларни ўз манфаатлари йўлида ишлатмоқда.

Нима, Самарқанд вилоятида баъзи мансабдорлар ўзининг шахсий томор-қаси билан давлат ерининг фарқини эсидан чиқарганми, бундай бемаза ишлар учун жазо муқаррар эканини унутиб қўйганми?

Гўзалкент, Пайариқ ва Иштихон туманларининг мансабдор шахслари қарийб 8 минг гектар майдондаги экинларни ҳисоботдан яширгани, пахта учун белгиланган 335 гектар майдонга шоли экилгани, ўтган йили сув камчил бўлишига қарамасдан, вилоятда 1600 гектар шоли режасиз экилиб, ҳисоботдан яшириб қолинганига қандай тоқат қилиш мумкин?

Бундай ғайриқонуний ҳолатлар учун ким жавоб беради? Вилоят ва туман ҳокимлари, мутасадди органлар қаёққа қарамоқда?

Вилоятда ғалла етиштириш режаси икки йилдан бери бажарилмаяпти.

**Хўш, бунинг сабаби нимада?**

Ўйлайманки, бунинг сабабини уруғ тайёрлашга етарли эътибор берилмаётгани, раҳбар ва мутахассисларда талабчанлик, ташкилотчилик қобилияти етишмаётганида кўриш мумкин. Акс ҳолда бир қатор туманларда ўтган йили ғалла экиш декабрь ойигача давом этганини қандай изоҳласа бўлади?

Хусусан, Иштихон, Пайариқ, Гўзалкент, Пастдарғом туманларида яхши текисланмаган, агротехника нуқтаи назаридан талаб даражасида бўлмаган ерларга ғалла экилган. Вилоят хўжаликларида баҳорги агротехник тадбирлар ҳам ўз вақтида ўтказилмаган.

Кўчатлар сийрак ундириб олинган, мелиоратив ҳолати ёмон майдонларда қўшимча ишлов бериш ташкил этилмаган. Бу йил Зарафшон ҳавзасида сувнинг танқис бўлишига қарамасдан, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмади.

Бундай ҳолатларга дуч келганда, вилоятда шу ишларга бош-қош бўладиган одам йўқми, деҳқонга ёрдам берадиган соҳа олимлари, мутахассислар қаерда, деган хаёлга борасан.

Жорий йилда вилоят бўйича ғалла ҳосилдорлиги ўртача 23 ярим центнерни ташкил қилиб, 2000 йилга нисбатан 55 минг тонна кам дон тайёрланган. Ғалла етиштирувчи 16 тумандан 6 тасигина давлат буюртмасини бажарган, холос.

**Ҳурматли дўстлар!**

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги масаласига катта эътибор қаратилиб, бу соҳага янги технологияларни жорий этиш, мулк шаклларини ўзгартириш, хусусан, қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш борасида олиб борилаётган ишлардан барчангиз хабардорсиз.

Лекин вилоятда бу борада ҳам оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

Кўпгина хўжаликлар номигагина ширкатларга айлантирилган, аксарият ширкат хўжалик аъзолари ширкатнинг ўзи нималиги, чек дафтарчаларини юритиш, мулкий пай нима эканини ҳақида тушунчага ҳам эга эмас.

Йил якунлари бўйича мавжуд 267 та ширкат хўжалигидан бор-йўғи 56 тасида дивидендлар тўланган.

Бундай аҳволда деҳқонларимизда янги, замонавий иш услубларига нисбатан ишонч уйғотиш мумкинми? Бироқ вилоят раҳбарлари бу ҳақда мутлақо бош қотираётгани йўқ.

Боғ ва токзорларни ижарага бериш ҳам талаб даражасида ташкил этилмаган. Ҳозирги кунгача режалаштирилган боғларнинг 61 фоизи, токзорларнинг 64 фоизи ижарага берилган, холос.

Вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳам етарли эътибор берилмаяпти.

Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят бўлими мутасаддилари эса фақат йиллик бадалларни тўплаш билан овора.

Маълумки, деҳқон ёки фермер ўз ишини бошлаши, ҳақиқий мулкдорга айланиши учун унга дастлабки пайтда маблағ керак, сармоя керак.

Бу масалани ечиш учун тадбиркорларга кредит бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳақида қайта-қайта таъкидлашга тўғри келмоқда, шу мақсадда махсус қарор ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Бироқ, Самарқанд вилоятида бу масалага масъулиятсизлик билан ёндашув оқибатида жорий йилнинг 6 ойи мобайнида деҳқон ва фермерларга 297 миллион сўм кредит ажратилган, холос. Бу кичик ва ўрта бизнесга ажратилган кредитларнинг атиги 4 фоизини ташкил этади.

Ўзингиз ўйланг, фермернинг маблағи бўлмаса, у қандай қилиб юқори ҳосил олиши, ривожланиши мумкин?

Афсус билан айтиш керакки, фермер хўжаликларига бундай "ўгай" кўз билан қараш ҳолатларига ҳанузгача барҳам берилмаяпти. Кўпчилик фермерлар айрим "шоввозлар"нинг айби билан етказиб берган маҳсулотлари учун қонуний ҳақларини йиллар давомида ундириб ололмасдан сарсон бўлмоқда.

Масалан, текширувлар натижасида Каттақўрғон пахта тозалаш заводи 6 миллион 600 минг сўм, Булунғур вино заводи 98 миллион сўмлик ана шундай қарзларини фермерларга 2000 йилнинг охиригача тўлаши лозим бўлсада, бугунги кунгача тўламай келаётгани аниқланди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги бўйича тузилган шартномалар ўрганиб чиқилиб, уларнинг аксарияти амал қилиш учун эмас, балки ҳисобот учун номига тузилган, деган хулосага келиш мумкин.

Жумладан, пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган пудратчиларга 2001 йилнинг 1 августигача берилиши керак бўлган пахта ёғи ва кунжаранинг ҳозирги кунда атиги 50 фоизи берилган, холос.

**Ҳурматли депутатлар!**

Илгари айтган бир фикримни бугун яна такрорлашни жоиз деб биламан: кичик ва ўрта бизнес ҳар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади.

Бу соҳа капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, маҳсулот турларини тез ўзгартира олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш жиҳатидан катта имкониятларга эга. Энг муҳими, кичик ва ўрта бизнес ҳозирги кунда ҳаёт бизнинг олдимизга қўяётган долзарб ижтимоий муаммоларни ечишда асосий омил бўлиши шубҳасиз.

Шу маънода, Самарқандда кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очиб бериш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имкониятлари мавжуд, лекин ҳанузгача улардан етарли фойдаланилмаяпти. 2001 йил 1 июль ҳолатига кўра, вилоятда 22 мингта ўрта ва кичик корхоналар, микрофирмалар рўйхатга олинган. Аммо улардан фақатгина 8 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар учта кичик ва ўрта бизнес корхонасидан биттаси Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлиб, қишлоқ туманларида бу соҳани ривожлантиришга эътибор сустлигича қолмоқда.

Вилоятда етиштирилаётган мева, сабзавот, узум, жун маҳсулотларининг бор-йўғи 8-17 фоизигина қайта ишланаётгани ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп эканини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Вилоятдаги "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси корхоналарида тайёрланаётган вино маҳсулоти катта ҳажмли идишларда экспорт қилинмоқда.

Оқибатда, хорижлик ишбилармонлар биздан олинган маҳсулотни чиройли шишаларга қуйиб, харидоргир ҳолатга келтириб, бир неча баробар қиммат нархда сотиб, катта фойда олмоқда. Наҳотки Самарқандда жойлашган, 100 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Ховренко номли вино заводида ва шунга ўхшаган корхоналарда мана шу оддий масалани ҳал этишнинг иложи бўлмаса?

2001 йил мобайнида вилоят бўйича кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун салкам 7 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32 фоиз кўп кредит ажратилди. Лекин уларнинг атиги бир фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш натижасида жорий йилнинг 6 ойида 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, бу жами янги иш ўринларининг 28 фоизини ташкил этади.

Вилоятда сўнгги йилларда иш билан банд бўлмаган одамлар сони ўсиб бораётганини инобатга олсак, бу масаланинг нақадар муҳимлигини тасаввур қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда улар 65 минг кишини ёки меҳнатга яроқли аҳолининг 7 фоизини ташкил этади.

Одамларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш муаммосини ечишда тадбиркорликни, биринчи галда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш нақадар муҳимлиги ҳақида яна қанча гапириш мумкин?

Маълумки, Самарқанд вилояти мамлакатимиздаги аҳолиси энг кўп ҳудудлардан биридир. Вилоят аҳолисининг сони жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилга нисбатан 40 минг кишига кўпайган.

Бу вилоят аҳолиси йилига қарийб 80 минг кишига кўпаймоқда, деганидир. Бинобарин, улар учун янги боғчалар, мактаблар, тиббиёт муассасалари билан бир қаторда ижтимоий, маиший, маданий шарт-шароит ҳам яратиб бериш керак.

Шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, вилоятда бу соҳадаги вазият барчамизни ташвишлантиради. Бу ерда мавжуд мактабларнинг 60 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган, уларнинг 68 фоизида спорт заллари йўқ. Қўшработ, Гўзалкент туманларидаги мактабларнинг 10 фоизигина газлаштирилган, холос.

Вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам камчиликлар талайгина. Буни узоққа бормасдан мана шу биргина мисол орқали ҳам билса бўлади.

Яқинда Президент девони вакиллари шу масала бўйича Каттақўрғон туманидаги вазият билан танишганда тумандаги юқумли касалликлар шифохонаси мослаштирилган, таъмирталаб бинода жойлашгани маълум бўлди. Касалхонада иситиш тизими умуман ишламайди, иссиқ сувнинг йўқлиги, дори-дармонларнинг танқислиги, беморлар учун тайёрланаётган овқатларнинг сифати пастлиги каби нохуш ҳолатлар аниқланди.

Ўзингиз айтинг, агарки юқумли касалликлар шифохонасида аҳвол шундай ачинарли бўлса, бошқа оддий шифохоналардаги аҳвол ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Ҳар бир шаҳар ёки туманда амалга оширилаётган ишларни албатта Президент девони ходимлари назорат қилиб юришлари шартми? Ахир, бу масалалар вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг асосий вазифаси эмасми?

Вилоятнинг молиявий аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни очиқ айтиш кераки, бу борада ҳам ишлар яхши эмас. Вилоят ҳамон молиявий дотация ҳисобидан яшамоқда. 2001 йил бюджетида дотация улуши ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ортиб, ҳозирги вақтда 30 фоизга етди.

Республикадан бериладиган дотация миқдорини камайтириш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш борасида вилоятда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмагани натижасида кейинги йилларда Нуробод, Ургут, Қўшработ, Каттақўрғон ва Пайариқ туманлари бюджетларида дотация миқдори 52-85 фоизни ташкил этмоқда. Албатта, бундай молиявий аҳвол бизни мутлақо қониқтирмайди.

Аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашдаги узилишлар ҳам одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Дўконларда гугурт, туз, ўсимлик ёғи, совун, макарон каби оддий маҳсулотларнинг бўлмаслигини фақат сунъий тақчиллик яратиш ва кимдир ўз чўнтагини тўлдириш мақсадида қилган иш, тўғрироғи, жиноят деб баҳолаш керак.

Бу каби нохуш ҳолатларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, вилоят раҳбарлари умуман дўконларга, бозорларга кирмай қўйганга ўхшайди. Йўқса, аҳвол шу даражага бориб етармиди?

Шуниси ачинарлики, вилоятдаги айрим нопок кимсалар халқимизнинг ризқини қийиб, товар-моддий бойликларни қонунсиз равишда четга чиқаришга уринмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 8 ойи давомида нефть ва аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатимиздан ташқарига ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетишга 830 та уриниш ҳолати аниқланган ва 15 миллион сўмлик маҳсулот ушлаб қолинган.

Очиғини айтишимиз керак: вилоят марказида бирмунча ободонлаштириш ишлари амалга оширилган бўлса-да, айрим туманларда бу масала эътибордан четда қолиб кетмоқда. Айниқса, Нуробод, Қўшработ, Гўзалкент, Пастдарғом туманларида қурилиш, ободонлаштириш ишлари қониқарсиз аҳволда.

**Азиз юртдошлар!**

Ҳар қайси шаҳар-қишлоқ, ҳудуддаги ижтимоий муҳитга, бошқа омиллар қаторида, жиноятчиликнинг даражасига қараб ҳам баҳо бериш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятда жорий йилнинг 6 ойи мобайнида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 фоизга ошгани, жумладан, қасддан одам ўлдириш, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бораётгани ғоят ташвишлидир.

Кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш масалаларига келганда, таассуфки, Самарқандда бошқа баъзи вилоятларга нисбатан кадрлар салоҳияти анча юқори бўлишига қарамасдан, бу имкониятдан ҳам оқилона фойдаланилмаяпти.

Вилоятда раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш ҳолатларига барҳам берилмаяпти. Муносиб кадр танланмаслиги натижасида айрим лавозимлар бир неча ойлаб бўш қолмоқда. Вилоят раҳбарияти томонидан масъул лавозимларга кадрларни атрофлича ўрганмасдан тавсия қилиш ҳоллари учрамоқда.

Шунинг учун ҳам 1999-2000 йиллар давомида қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларидан 60 фоизи янгитдан тайинланган, шу жумладан, Иштихон, Нуробод туманларида 90 фоиз, Пайариқ туманида 71 фоиз кадрлар алмаштирилганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Вилоятда замонавий билимларга эга, изланувчан, ташаббускор ёш кадрларга етарли эътибор берилмаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Айниқса, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари орасида ёшлар деярли йўқ. Кадрлар сиёсатига вилоят раҳбарияти томонидан бўлган бундай муносабат носоғлом вазиятнинг асосий сабабларидан бири, деб ҳисоблайман.

**Ҳурматли депутатлар!**

Юқорида айтилган фикрлар, келтирилган мисоллардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Аввалambор, шуни таъкидлаш зарурки, агар иқтисодиёт тез суръатлар билан ўсмаса, кичик ва ўрта бизнес ривожланмаса, одамларнинг оғирини енгил қилиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш ҳам катта бир муаммога айланиб қолади.

Оддий бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз даркор:

агар одамларнинг моддий ҳаётини яхшилайдиган, кайфиятини кўтарадиган, уларни ҳаётдан рози қиладиган иқтисодиёт барқарор ривожланмас экан, қолган барча юксак даъватлар ва чақириқлар қуруқ ва баландпарвоз гап бўлиб қолаверади.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ҳаётни тебратиш, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш — бу давлат, вилоят, шаҳар, туман, қолаверса, оддий хўжалик бўладими — аввало шу ҳудудлар ҳамда хўжаликларни бошқарадиган раҳбар ва мутахассисларнинг ақл-заковати, билими ва тажрибаси, шижоат ва қатъиятига боғлиқ эканини бугунги кунда исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бугун ҳаёт ўзгаряпти, ҳаётимизни бошқарадиган қонунлар ўзгаряпти, лекин, минг афсуски, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар, бир сўз билан айтганда, кадрларнинг онгу тафаккури жуда секинлик билан ўзгармоқда.

Ишни амалга ошириш, кадрларнинг масъулиятини кучайтириш, уларга талабчанлик билан қараш, кези келганда руҳлантириш, янги-янги марраларга, ҳаётий муаммоларни ечиш учун сафарбар этиш, энг аввало, биринчи раҳбарнинг вазифаси, бурчи эканини унутмаслигимиз керак.

Биринчи раҳбар одамлардаги ташаббускорлик, фидоийлик туйғусини уйғотиши, уларнинг турмуши, кайфиятини яхши билиши, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаши зарур.

Акс ҳолда, одамлар қалбида ёниб турган умид рўёбга чиқмасдан сўниб қолади.

Айни вақтда раҳбар номаъқул ишни кўрганда бировнинг ёқасидан олмаса, эл-юрт манфаатини ўйлаб, эй инсон, нима қиляпсан, демаса, камчилик-нуқсонларга қарши жамоатчиликни кўтармаса, у ҳеч қачон яхши раҳбар бўла олмайди.

Агар раҳбарнинг ўзи тиним билмай ишламаса, янги имкониятларни топиб, одамларни олижаноб ишларга бошлаш учун куйиб-ёнмаса, унинг атрофидагилар — муовинлар дейсизми, бошқа мутасаддилар дейсизми — беғамликка, лоқайдликка берилиб, шундай иш услубига, шундай ҳаёт оқимига ўрганиб-кўникиб қолади.

Лўнда қилиб айтганда, раҳбар ўзига ишонч билдирган одамларнинг юрак уришини доимо сезиб туриши, унинг секин ёки безовта уришига қараб, вазиятга тўғри баҳо бериши, шу асосда тўғри қарор қабул қила олиши даркор.

Афсуски, Самарқанд вилоятидаги ишларнинг бугунги аҳволига қараб, вилоят раҳбарларининг фаолияти ҳақида бундай фикр билдиролмаймиз.

Бугунги сессия кун тартибидаги масалага қайтсак, бундан уч йил олдин биз Эркин Рўзиевга катта ишонч билдириб, уни Тошкент вилоятидан Самар-қанд вилоятига ўтказиб, биринчи раҳбар қилиб қўйган эдик.

Очиғини айтганда, дастлаб иш бошлаган пайтида унда вилоят олдида турган муаммоларни ечиш, ислоҳотларни жорий этиш бўйича қандайдир ижобий ҳаракат ва интилишлар кўринган эди. Аммо, афсуски, Рўзиев бу интилишларни рўёбга чиқара олмади. Бунинг асосий сабаби шундаки, унда талабчанлик, қаттиққўллик, принципиаллик етишмади. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямасдан ишлаш, ишлатиш кайфияти умуман намоён бўлмади.

Ҳолбуки, Самарқанд бекиёс бойликларга эга бўлган, Оллоҳнинг назари тушган табаррук юрт. Самарқанд аҳли доимо эзгуликка, бунёдкорликка интилиб яшайдиган заҳматкаш халқ. Бу вилоят ишлаб чиқариш қувватлари, ақлий ва меҳнат ресурслари, табиий имкониятларига кўра Ўзбекистоннинг олдинги сафида юриш салоҳиятига эга.

Ҳамма гап шундаки, мана шу вилоятда, мана шу заминда яшайдиган, ишнинг кўзини биладиган, тажрибали, ташаббускор одамларни, айниқса, ўз қобилиятини, ғайрат-шижоати ва истеъдодини Ватан хизматига сафарбар қилишга тайёр бўлган ёшларни бирлаштириш, уларга йўл очиб бериш даркор.

Хулоса шуки, вилоят раҳбарлигини Самарқанд воҳаси ривожи ва тараққиётига янги турткиберишга, эл учун, юрт учун ёниб яшаш керак, деган шиоримизни тилда эмас, амалда ҳаётга жорий қилишга қурби, қудрати етадиган одамларга топширишимиз керак.

Эл-юртга бош-қош бўлиб, сизларнинг сафингизга кириб, мавжуд ғов-тўсиқларни биргаликда енгиб ўтишга кучи етадиган, кечаю кундуз тиним билмай ишлайдиган, талабчан, қатъиятли бир раҳбарни бугун вилоят ҳокими этиб сайлашимиз керак.

**Ҳурматли депутатлар!**

Сизларнинг эътиборингизга, сизларнинг ҳукмингизга бугунги мажлисимизнинг кун тартибига қўйилган асосий масала бўйича ўз таклифимни киритмоқчиман.

Самарқанд вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келган Эркин Рўзиев ариза билан мурожаат қилиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраган. Унинг аризасини, яъни ўз вазифасидан озод қилиш ҳақидаги илтимосини овозга қўймоқчиман.

Биз вилоят фаоллари билан маслаҳатлашиб, сизларнинг барчангиз яхши биладиган, мана шу юртнинг шарт-шароити, одамларининг кайфиятидан яқиндан хабардор бўлган, Жиззах вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Шавкат Мирзиёевнинг номзодини Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тавсия этишга қарор қилдик.

Сизлар, бутун вилоят халқи мана шу янги раҳбар атрофида бирлашиб, белни маҳкам боғлаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарқанднинг обрў-эътиборини янада оширасизлар, деб ишонаман. Бунинг учун сизларда ҳамма нарса — қатъият ҳам, билим ва тажриба ҳам, ташаббус ва интилиш ҳам етарли, деб ўйлайман.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат ва омад тилайман.

*Аввало ўқитувчининг ўзи миллий истиқлол ғояларини ўз қарашларию бутун турмуш тарзига жо қилган бўлиши лозим.*

*Ўқитувчиларимиз сафар давомида Алабама университетида америкалик ўқитувчиларнинг янгича ўқитиш услублари билан танишишади ва ўзаро тажриба алмашишади.*

# МАЛАКА — БИРЛАМЧИ ОМИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур маърузачилар ёрдамида Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар малака ошириш институтлари негизида мактабгача таълим ходимлари учун 301 нафар, бошланғич синф ўқитувчилари учун 312 нафар, юқори синф ўқитувчилари учун 350 нафар маърузачи тайёрланди.

Бу маърузачилар ёрдамида Республика туман (шаҳар)ларида 11056 нафар мактабгача таълим ходимлари, 14735 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ва 14376 нафар юқори синф ўқитувчилари мазкур фанни ўқитиш бўйича қайта тайёрлашдан ўтказилди.

## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА

Малака ошириш курслари ўқув режасига миллий истиқлол ғояси бўйича дарслар киритилди. Бу малака ошириш курсларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан Республика бўйича 2001 йил 1 июлгача 4534 нафар педагог ва педагог-муҳандислар қайта тайёргарликдан ўтдилар. Улар миллий истиқлол ғоясини таълим ва тарбия жараёнида амалга ошириш асослари бўйича таълим олдилар.

Таълим муассасаларидаги тажрибали ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиларидан жами 829 нафари танлаб олинди. Улар минтақавий семинарларда, Тошкент, Самарқанд, Қарши, Фарғона ва Урганч шаҳарларидаги олий ўқув юртлари базасида малакаларини оширдилар.

Мазкур семинарларда миллий истиқлол ғоясини ўқувчиларга сингдиришнинг илмий-назарий ва услубий асослари бўйича таниқли мутахассис-олимлар томонидан маърузалар ўқилди. Фанни ўқитиш ва ўқувчиларга ўргатишни ташкил қилишнинг методологик асослари бўйича фикр алмашилди. Шу билан бирга бу ишни ташкил қилиш ва унинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Барча вилоятларда шу йил апрель ойида тажриба-синов майдончаларидан олинган натижалар бўйича методик семинарлар бўлиб ўтди. Ушбу соҳада тажриба алмашиш мақсадида 27-29 июнь кунлари республика бўйича ташкил қилинган 17 та тажриба-синов майдончаларига бириктирилган ўқитувчиларнинг илмий-амалий семинари ўтказилди. Семинарга ўқув юртларидаги илғор тажрибага эга ва янги педагогик технология асосида ўқитаётган ўқитувчилар ҳам жалб этилди. 2-5 июль кунлари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан дарс берувчи ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва ихтисослик малакасини ошириш бўйича семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, миллий истиқлол ғоясини ёшларга сингдириш педагог ва педагог-муҳандисларнинг август кенгашларида асосий масалалардан бири сифатида алоҳида шўъбаларда кўриб чиқилди.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани республика олий таълим тизимининг бакалавриат ҳамда магистратура босқичларида ўтган ўқув йилининг қишки семестридан бошлаб ўқитилди. Маърузачилар сифатида ўқув юртларининг етакчи ва тажрибали мутахассис-педагоглари жалб этилди. Бундан олдин (2000 йил ноябрь-декабрь) Тошкент, Нукус, Самарқанд, Фарғона ва Қарши шаҳарларида ўтказилган махсус минтақавий семинарларда ўқитувчиларнинг касб малакалари оширилди. Ўқув даври мобайнида услубий ишлар анча такомиллаштирилди, педагогик тажрибалар тўпланди, янги педагогик технологиялардан, таълимнинг турли хил кўргазмали ва техник воситаларидан унумли фойдаланилди. Ана шу тажрибаларни ўзаро таҳлил этиш ва илғор услубий ечимларни кенг ёйиш мақсадида жорий йилнинг 10-25 июнида вазирлик ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани ўқитувчилари учун семинар машғулотлари ташкил этилди. Унга Республика олий ўқув юртларида мазкур фан бўйича дарс берган профессор-ўқитувчилардан 400 нафарга яқини таклиф этилди. Маърузачилар етакчи мутахассислар ва олий таълим муассасаларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари таркибидан танланди. Махсус курс сўнгида тегишли педагогик малака оширганлиги тўғрисида 367 нафар тингловчига сертификат берилди.

Шу билан бирга семинар тингловчиларига тажрибавий дастур, ўқув-услубий ишланмалар, тавсия ва йўриқномалар ҳам тарқатилди.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги олий таълим муассасаларида жойлардаги ҳокимликлар билан келишилган ҳолда миллий истиқлол ғоясини кенг аҳоли орасида тарғиб этиш ва айниқса, ёшлар онги ва қалбига сингдириш юзасидан махсус семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Жойлардаги мана шу семинар машғулотларида Тошкент семинари тингловчилари асосий маърузачилар сифатида фаол иштирок этмоқдалар.

Махсус семинар тингловчиларининг рўйхати Республика халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбариятига жойларда миллий истиқлол ғоясини кенг омма онги ва қалбига сингдиришга қаратилган тадбирларда фойдаланиш учун тақдим этилди.

Тошкент шаҳрида ўтказилган семинар машғулотлари давомида Республика таълим тизимида миллий истиқлол ғоясини ўқитиш жараёнида эришилган ютуқлар, орттирилган ижобий тажрибалар билан бир қаторда бу борада ҳали айрим камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва камчиликларни бартараф этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Кўплаб таклифлар, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

## ИБРАТ — ЭНГ ТАЪСИРЛИ ДАРС

Келгуси авлод мустақилликнинг моҳиятини, унинг халқ, миллат ва жамият учун беқиёс аҳамиятини қанчалик чуқур англаса, ҳис қилса бу азиз неъмат шу қадар эъзоз топиб бораверади. Инсон ўзи эъзозлайдиган нарсасидан ҳеч қачон шунчаки воз кечмайди.

Бунинг учун, аввало, ўқитувчининг ўзи миллий истиқлол ғояларини ўз қарашларию бутун турмуш тарзига жо қилган бўлиши лозим. Бу фан бўйича сабоқ берувчи муаллим дарсларга фақат дарс ўтиш учун эмас, балки халқимизнинг ушалган асрий орзусини мустаҳкамлашга, унинг абадийлигини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсади билан кириши керак. Бунинг учун у бу ғоянинг кўҳна илдизлари — Тўмарис ва Широқ жасоратларини ҳис қилиши, Спитамен ва Муқанна каби юртпарварлар интилишларини англаши, Амир Темурнинг мустақил, қудратли давлат тузиш йўлидаги ҳаракатларини истиқлолнинг И.Каримов раҳбарлигида нене машаққатлар билан қўлга киритилгани, мустақилликни авайлаб-асраш ва мустаҳкамлашнинг бурч эканини яхши билиши лозим. У ўзбек халқининг чор Россияси босқини ва шўро истибдоди давридаги мудҳиш ўтмишидан сабоқ олган бўлиши жоиз. У мустақиллик — ҳуқуқ эканлигини, ҳар ким ўз хоҳиш-истакларига монанд онгли тарзда эркин яшаш, фикрлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш эканлигини англаши керак.

Юқорида таъкидланганидек, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитиш бўйича жорий ўқув йили бошлангунга қадар барча таълим турлари ва босқичлари учун ўқитувчилар қайта тайёргарликдан ўтди. Кўзланган мақсад аниқ. Шундай экан миллий истиқлол ғоясини ёш авлод онгига сингдириш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга масъул бўлган ўқитувчи-педагоглар, мутахассислар ва маърузачиларни тайёрлашда яна нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

Таълим тизимига жорий этилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" янги фан сифатида олдимизга қатор талабларни қўяди. Ушбу фан бўйича таълим дастурларини яратиш ва такомиллаштириб бориш, энг самарали педагогик технологиялардан фойдаланиш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ишлари шулар жумласидандир. Табиийки, замонавий таълим дастурларини яратиш учун илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш лозим бўлади. Илмий хулосалар эса, амалиётни ўрганишдан ҳосил бўлади. Шу мантиқий боғлиқликдан келиб чиқиб, ўтган ўқув йилидан ўқитила бошланган янги фан эндиликда ўзининг турли қирраларини намоён этиб, ривожланиб бораверади. Ўзининг шаклланиш, ривожланиш палласини кечираётган бу фан бўйича таълим бериш самарадорлигини оширишнинг бирламчи шарти — шу фан ўқитувчисининг билим ва малакаларининг доимий талаб даражасида бўлишига эришишдир. Яъни, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан ўқувчи-ёшларга сабоқ берувчи мутахассис-педагоглар малакасини мунтазам ошириб, фаннинг ривожланиш тенденциялари, ютуқ ва муаммолари билан таништириб бориш лозим бўлади.

Шундагина "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан етарлича билимга эга бўлган шахс аввало, ғоялар ҳақида, уларнинг куч-қудрати, инсон тафаккури ва тараққиётига таъсири, онг мавжуд экан ғоя ҳам мавжуд бўлиши, улар ўз мазмун-моҳиятига кўра бунёдкор ёки бузғунчи кайфият касб этиши ҳақида атрофлича билимларга эга бўлади. Бундай билим билан қуролланган кишига ёт ғоялар ўз таъсирини ўтказа олмайди. Жамият ўзининг кўп асрлик ҳаётида ҳеч вақт бузғунчи ғоялардан манфаат топмаганидек, бунёдкор ғоялардан зиён кўрмаганлигига ишонч ҳосил қилади.

Малака ошириш жараёнида яна қуйидаги жиҳатларга айниқса кўпроқ эътибор қаратиш зарур:

— биринчидан, малака ошириш курсларида маъруза ўқийдиган мутахассислар таркибида шу фан бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган ходимлар иштирокини таъминлаш;

— иккинчидан, малака ошириш курсларини эркин, бахс-мунозаралар, таклиф-мулоҳазаларга бой тарзда ўтказилишига эришиш;

— учинчидан, малака ошириш курсларида тингловчиларга илмий изланишлар натижаларини етказиш билан бирга тингловчилардан амалиётда юқори самара бераётган услублар ва педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни олиш, уларни уйғун ҳолда тахлил қилиб боришга эришиш лозим.

Ушбу соҳада энди иш бошланиб, дастлабки тажрибалар тўпланмоқда. Бу борадаги вазифаларни самарали амалга ошириш таълим-тарбия соҳаси мутахассислари малака ошириш институтларининг масъул ходимлари ва ўқитувчилари зиммасига улкан масъулиятлар юклайди.

**ТАҲРИРИЯТ**

# YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

## 15-дарс
## Ch ва Ng ҳарфлари

*Ўтган машғулотимизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида 26 та алоҳида шаклдаги ҳарфлар билан бир қаторда 3 та ҳарфий бирикма тузилишидаги ҳарфлар мавжудлигига тўхталган эдик. Унда сиз **Sh(sh)** ҳарфининг ёзилиши ва имлосига хос маълумотлар билан танишдингиз. Бугунги дарсимизда қолган иккита ҳарфий бирикма, яъни **Ch** ва **Ng** ҳарфларини ўрганамиз.*

***Ch(ch)** ҳарфий бирикмаси она тилимизда тилнинг олд қисмида ҳосил бўладиган, қоришиқ портловчи ва жарангсиз ундошни ифодалаш учун ёзилади. **Ch** ундоши аслида **t** ва **sh** товушларининг қоришувидан ташкил топгани учун ҳам қоришиқ ундош саналади.*

*Ҳарф жиҳатидан **Ch(ch)** ҳарфий бирикмаси **C** ва **h** ҳарфларининг қўшилувидан ташкил топган. **C** ҳарфи лотин ёзувидаги янги алифбомизда йўқ. Бинобарин, бу ҳарф ўрганаётган алифбомизда бирон-бир товушни ифодаламайди. Кирилл алифбомизда бу ҳарфнинг ёзилишини яхши биласиз. Ўзбек тилидаги сўзларда бу тартибда бириккан товушлар учрамайди, шунинг учун бу ҳарфий бирикмани доим **che** тарзида ўқиш лозим. Ёзилиши нуқтаи назаридан қуйидагиларга эътибор бериш керак бўлади: босма ва ёзма шаклларининг катта кўринишини ёзганда **C** ҳарфини катта, **h** ҳарфини эса кичик ёзиш керак. Бу ҳарфнинг кичик босма ва ёзма шакллари кичик кўринишдаги **c** ва **h** ни қўшиб ёзиш билан ҳосил қилинади. **C** ва **h** ҳарфларининг ёзилиши сизга маълум бўлгани ва бу ҳарфларни ёзишда етарли малакангиз борлиги учун бу масалага тўхталмадик. Ёзиб кўринг: **Ch, Ch, ch, ch; Chirchiq, Chori, chigit, ochiq, soch.***

***Ch(ch)** ҳарфи сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида ҳам кела олади. Масалан: чап — **chap,** чидам —**chidam,** кичик — **kichik**, пичоқ — **pichoq**, қилич —**qilich**, қоч — **qoch** каби.*

***Ch** ҳарфи билан тугалланган сўзга қўшимчалар қўшилганда **ch** ундоши **sh** каби талаффуз қилинади, аммо аслига мувофиқ ёзилаверади. Қаранг: учта>ушта — **uchta**, қучди>қушди — **quchdi**, кичкина>кишкина — **kichkina**, қарич>қариш — **qarich** каби.*

*— **cha** кичрайтириш — эркалаш қўшимчаси айрим сўзларга қўшилганда олдинги товушни ўзига мослаштириб, иккита **ch** тарзида айтилиши мумкин, аммо имлода ҳамиша битта **ch** ёзилади. Қаранг: тутча>тучча — **tutcha**, йигитча>йигичча — **yigitcha** каби.*

*— **vachcha** қўшимчасида эса ch ҳарфи доим иккита айтилади ва шундай ёзилади: **ammavachcha, amakivachcha, boyvachcha.***

***Ng(ng)** ҳарфий бирикмаси тилнинг орқа қисмида ҳосил бўладиган, портловчи, жарангли бурун товушини ифодалашга хизмат қилади. Она тилимизга хос бу товушни ифодаловчи график белги кирилл ёзувидаги алифбомизда йўқ эди. Бу ундош тўғри талаффуз қилинмаслиги, кўп ҳолларда **n + g** тарзида айтилиши қўпол хатоликларга олиб келади. **Ng(ng)** ҳарфининг айтилишида **n** товушига кучлироқ урғу берган ҳолда, қолган ҳаво оқимининг бурун бўшлиғида кучли тебраниш ҳосил қилишига эришиш лозим бўлади, **g** товуши эса **n** га қўшилган ҳолда қисқароқ талаффуз қилинади. Бу ундошнинг талаффуз ва имлода ягона товуш сифатида фарқланмаслиги ўқиш ва ёзишда муайян чалкашликларни туғдириши, табиий.*

***Ng** ҳарфий бирикмасидаги ҳар иккала ҳарф ёзилишига кўра сизга таниш. Бу ҳарфнинг босма ва ёзма катта шаклларини ёзишда, биринчи ҳарф, яъни **N** нинг катта, **g** нинг эса кичик кўринишда ўзаро қўшилиб ёзилишини ёдда тутинг. Аслида бу ҳарф сўз бошида келмаслиги боис, катта **Ng** нинг қўлланиши сўзларда учрамайди. Босма ва ёзма шаклларининг кичик кўринишлари эса кичик **n** ва кичик **g** нинг қўшилуви тарзида ҳосил қилинади. Ёзиб кўринг: **Ng, Ng, ng, ng; ingichka, yangi, ong, keling.***

***ng** ундоши ўзбек тилида сўз ўртасида ва сўз охирида қўлланади. Масалан: кўнгил — **ko'ngil**, манглай — **manglay**, денгиз — **dengiz**, тенг — **teng**, минг — **ming,** келинг — **keling** каби.*

*Шуни унутмаслик лозимки, **ng** ҳарфий бирикмаси бўлган сўзларни бўғинларга ажратганда, **ng** ундоши **n** ва **g** ҳарфларига ажратилмай, бир бутун ҳолда ёзилади ҳамда шундай ҳолда бошқа сатрга кўчирилади: **sin-gil** эмас, **si-ngil**, **o'zin-giz** эмас, **o'zi-ngiz**, **in-gramoq** эмас **ingra-moq** каби.*

*— **gi** қўшимчаси **n** ҳарфи билан тугаган сўзларга қўшилганда ва рус тили орқали ўзлашган олинма сўзларнинг аксариятида ёнма-ён келган **n+g** ундошлари, **ng** бурун товушини ифодаламайди, шунинг учун бу тарздаги ўхшаш бирикмалар алоҳида товуш ҳам ҳарфларга ажратилади, бўғин кўчиришда ажратиб ёзилади. Қаранг: **bugungi — bugun+gi, tungi — tun+gi, tan-gens, kongress** каби.*

*— **gi** сифат ясовчи қўшимчаси **ng** ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда битта **g** тарзида талаффуз қилинса ҳам ёзилишда иккита **g** ҳарфи ёзилади. Масалан: **tong+gi>tonggi, so'ng+gi>so'nggi**, **durang+gi>duranggi** каби. Бу ҳолатни эгалик қўшимчаси қўшилган ҳолатдан фарқлаш лозим бўлади, чунки бунда фақат битта **- i** тарзидаги учинчи шахс эгалик қўшимчаси қўшилган бўлади. Қиёсланг: **bahor tongi — tonggi shabada, ishning so'ngi — so'nggi so'z** каби. Таркибида **ng** ҳарфий бирикмаси бўлган — **ning** келишик қўшимчаси, — **ing, — ingiz** эгалик қўшимчалари, — **ng(-ing), — ingiz, — nglar, — laring** каби шахс—сон қўшимчаларида **n** ва **g** товушлари ягона ng тарзида айтилади ва бўғинларга ажратилмайди. Масалан: **gulning hidi, maktabingiz, oling, o'qinglar, kelsalaring** каби.*

*Хуллас, сўз ва қўшимчалар таркибидаги **ng** ҳарфий бирикмасининг қоришиқ ундош сифатида талаффуз қилиш ҳамда ёзишни **n + g** тарзидаги ҳарфлар қўшилмасидан фарқлаш лозим. Аминмизки, бунга ўз сўз бойлигингизни ошириш, кўпроқ ўқиш ва ёзиш, хусусан, лотин ёзуви асосидаги янги алифбодаги матнлар устида ишлаш орқали эриша оласиз.*

***1-топшириқ.** Сўз бошида ва охирида **ch** ҳарфи келадиган сўзларга мисоллар топиб ёзинг ҳамда уларнинг талаффузидаги фарқларни тушунтиринг ёки қиёслаб ёзинг.*

***2-топшириқ. ng** ҳарфий бирикмаси ва n+g ҳарфлари қўшилмасидан иборат сўзларни топинг ва фарқлаб икки устунга ажратган тарзда ёзинг. Намуна: **rang — kotangens.***

***3-топшириқ. ng** ҳарфий бирикмаси қатнашган қўшимчаларни қўшиб сўзларни ўзгартиринг. От ва феълларга қўшиладиган бундай қўшимчаларни ажратиб, ўзаро қиёслаб ёзинг. Намуна: **otning — oling, kitobingiz — kelingiz.***

**Абдурозиқ РАФИЕВ,**
**ЎзМУ кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент**



***Китоб туман ХТБга қарашли "Олтин калитча" болалар боғчасида ҳозирги кунда 110 нафардан ортиқ болалар тарбияланмоқда. Болалар боғчасида 9 нафар тарбиячи 6 та гуруҳ болаларига "Учинчи мингйилликнинг боласи", «Болангиз мактабга тайёрми?», Мария Монтессори қўлланмаларидан фойдаланиб таълим-тарбия беришмоқда.***

***Бу муассасада миллий ҳунармандчилик, тасвирий санъат, инглиз тили, адабиёт (шеър ўқиш) тўгараклари мавжуд. Ҳар ойда икки марта қўғирчоқ театри томоша кўрсатади.***

***— Боғчамизда 4-синфгача болалар ўқитилади, бундан ташқари шароити оғир, кам таъминланган оилалар болалари учун шанба, якшанба кунлари "Али Қушчи" маҳалласида синфхона ташкил қилинган. Ҳозирда ота-оналар ўқитувчилар Шоира Тўраева ва Навотой Исмоиловалардан миннатдор бўлишмоқда, — дейди мудира Ҳанифа Муқимова.***

***Ҳар бир гуруҳга кираверишдаги миллий бурчакда болалар қўли билан ясалган миллий ҳунармандчилик намуналарини кўриб кўзингиз қувонади.***

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ**

***Суратларда: болалар қўл меҳнати ва эркин ўйин билан машғул.***

**Муаллиф олган суратлар.**



# ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАҚСАДИДА

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда кенг кўламдаги ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда. Бу ишлар мамлакат илмий салоҳиятини белгиловчи таълим соҳасида ҳам кўзга ташланмоқда.

Куни кеча республика Таълим марказида ўтказилган кичик анжуман юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Зеро, шу куни Америка халқаро таълим Кенгаши АКСЕЛС маркази томонидан АҚШ ҳукумати ҳомийлигида Американинг халқаро таълим Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган "Таълимда ҳамкорлик" дастури асосида 10 нафар ўқитувчини АҚШга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда АКСЕЛС марказининг директори Майкл Куртис, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси таълим ва маданият бўлими бош мутахассиси Рут Подсольд, ўринбосари Жули Ким ҳамда Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг умумий ўрта таълим бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров ва Республика таълим маркази директори Гуландон Алимовалар иштирок этишиб, йўлланмани қўлга киритган ғолиб ўқитувчиларни қутладилар ва уларга оқ йўл тилашди.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, 2000 йилда илк маротаба ушбу дастур асосида Фарғона водийси, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан 20 нафар ўқитувчиларимиз олти ҳафта мобайнида АҚШнинг Калифорния штатида бўлишиб, ўз билим ва тажрибаларини нуфузли олий ўқув юртларида ошириб қайтишган эди. Жорий йилда эса худди шундай имкониятдан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг 10 нафар жонкуяр ўқитувчилари фойдаланадиган бўлдилар.

Мазкур дастур АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у орқали ҳар иккала давлатнинг ўрта мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари, педагогика олий ўқув юртларининг ижтимоий-гуманитар фанлари ўқитувчилари, малака ошириш институтлари услубиётчилари ҳамда ушбу ўқув муассасаларининг маъмурий ходимлари ўзаро фикр алмашишлари баробарида янги ўқув дастурларини ҳам яратиб боришади.

Эътиборлиси, ўқитувчиларимиз сафар давомида Алабама университетида америкалик ўқитувчиларнинг янгича ўқитиш услублари билан танишишади ва ўзаро тажриба алмашишади. Бу эса уларнинг америка халқи, тарихи, маданияти ҳақида янада кўпроқ билимга эга бўлишларига замин яратади.

Дарвоқе, шуни эслатиб ўтиш лозимки, америкалик мутахассисларнинг Ўзбекистонга жавоб ташрифи 2002 йил баҳор фаслида уюштирилиши мўлжалланмоқда.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**"Маърифат" мухбири**

## Xalqaro hamkorlik

# ЭЛИТА — ЎЗБЕКИСТОНДА

*Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича янги дастурнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Хёрбст, АҚШ Тинчлик корпусининг Ўзбекистондаги директори Лоренс Лехи ва инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш институти (ЭЛИТА) яратилишига ўз ҳиссасини қўшган бошқа ташкилот вакиллари қатнашдилар.*

*Тантанали очилиш маросимида "Хотира қутичаси" ташкил қилинди, у ЭЛИТАнинг 5 ёки 10 йиллик тўйида очилади. Маросимда ЭЛИТАни ташкил этишга жалб қилинган ташкилотлар вакиллари бу "қутича" ҳақида маълумот бердилар. Ва унга ўз ташкилотларининг мазкур институтни ташкил этишда қўшган ҳиссаси ҳақидаги расмий маълумотларни жойладилар.*

*ЭЛИТА дастурининг асосий мақсади инглиз тили ўқитувчиларининг тайёргарлигини бутун дунёдаги каби халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш бўлиб, у ўзаро алоқа кўникмаларини мукаммаллаштириш ва ўқувчининг қизиқиши, талабига, шунингдек, танқидий фикрлашнинг ривожига йўналтирилган методикада малака оширишга қаратилган.*

*Бу ўқув йилида ЭЛИТА дастури бўйича барча талабларга жавоб бера оладиган тахминан 150 нафар талаба ўқитилиши мўлжалланмоқда.*

*Янги ўқув дастури ҳар ўқув йилидаги каби амалиёт ва методикани ўз ичига олган дарс бериш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради.*

**Фарҳод ЭРДОШЕВ,**
**"Маърифат" мухбири**

# ДАРСЛИКЛАР ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

***Дарсликларни мунтазам равишда замон талабларига мувофиқ такомиллаштириб бориш, республикамизда дарсликлар яратиш бўйича эришилган ютуқлардан ҳамда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда уларнинг янги авлодини яратиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактаблари учун янги дарсликлар яратиш юзасидан («Маърифат» газетаси, 2001 йил 11 август ва 8 сентябрь сонларида) танлов эълон қилди.***

***Танлов эълон қилинган номдаги дарсликларни яратишда иштирок этишни истаган муаллифлар ва нашриётлар вакиллари учун 14 сентябр соат 15$^{00}$ да Республика Таълим марказида (Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси, 80-уй) танлов шартлари юзасидан ўқув-семинар ўтказилади ҳамда Танлов ҳужжатлари тақдим этилади.***

***Барча муаллифлар ва нашриётларни танловда иштирок этишга таклиф этамиз.***

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Танлов комиссияси (тел: 139-10-23)**

